

**МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК
ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЮКСАК ҚАДРИЯТИДИР**

Рашидов Кувончбек Турғунбой угли

Тошкент давлат аграр университети талабаси

doktorquvonch0599@gmail.com

Олишева Мафтуна Қахрамон қизи

Тошкент давлат аграр университети талабаси

Аннотация. Ушбу мақолада диний бағрикенглик ва миллий ўзликни англаш учун зарур бўлган шарт-шароитлар ҳамда бағрикенгликка зид бўлган муаммолар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар. миллий ўзликни англаш, диний бағрикенглик, мутаассиблик, миссионерлик.

Инсоният жамияти эволюциясининг барча босқичларида бағрикенглик катта аҳамиятга эга ижтимоий ҳодиса бўлиб келади. Замонавий воқелик ҳам бағрикенглик, халқаро, конфессиялараро ва маданиятлараро алоқаларнинг позитив ривожланишини таъминлашнинг асосий шартларидан бири эканини кўрсатмоқда. Шу маънода, бағрикенглик билан боғлиқ масалаларни фалсафий тадқиқ этиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади. Зеро, “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси”да қайд этилганидек: “Бағрикенглик бўлмаса тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди”¹. Бу фикрларнинг тўғрилигини БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясининг қабул қилинганлиги тасдиқлайди.

Бу ташаббус Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат” йўналишига мос бўлиб, уни дунё ҳамжамияти Ўзбекистоннинг маърифат ва диний бағрикенглик ташаббуси сифатида қўллаб-қувватлаётганлиги қувонарли ҳолдир.

Бугун Ўзбекистон диний бағрикенглик ва динлараро мурося борасида нафақат МДХ давлатларига, балки бутун дунёга намуна бўлмоқда. Масалан, 1990 йилда республикамизда 119 та диний ташкилот, (89 та исломий ва ноисломий) мавжуд бўлган бўлса, 1991 йилда 179 тага (146 исломий ва 33

¹ Бағрикенглик тамойиллари декларацияси // Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар тўплами / Масъул мух. А.Х.Саидов.- Тошкент. “Адолат”, 2004.-Б.-214

ноисломий) етди, 2007 йилнинг январига келиб эса, уларнинг сони 2227 тани (2046 та исломий, 181 та ноисломий) ташкил этди². Ўзбекистонда ислом маърифати ва диний бағрикенгликни тобора ҳаётга кенгроқ жорий қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида “жамиyatда бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, тинчлик ва тотувликни, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда диний-маърифий соҳа вакилларининг дахлдорлик ҳисси ва иштирокини янада ошириш”, диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланганлиги ҳам бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш таклифи билан чиқиб, ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилганини³ таъкидлаган эди. 2018 йил 12 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеяси ялпи сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюция қабул қилинди. Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган ушбу ҳужжат лойиҳаси БМТга аъзо барча давлатлар томонидан қўллаб-қувватланди. Айни пайтда дунё ҳамжамияти Ўзбекистоннинг маърифат ва диний бағрикенглик ташаббусини ҳаётий натижалар топаётганлигини алоҳида эътироф этмоқдалар.

Дарҳақиқат, ислом бағрикенглик динидир. Унда илм ва илм аҳли қайси дин вакили бўлишидан қатъий назар, ҳурмат қилинади. Ислом кишилардан Аҳли китобларга, яъни бошқа дин вакилларига лутф ва чиройли муомалада бўлишни талаб қилган: “Сизлар аҳли китобларнинг зулм қилганларидан бошқалари билан фақат яхши услубда мужодала этинглар ва уларга: “Биз ўзимизга нозил қилинган нарсага иймон келтирдик, бизнинг илоҳимиз ва сизнинг илоҳингиз бирдир ва биз Унга бўйсунувчимиз”, денглар (“Анкабут” сураси, 46- оят) ⁴.

Шундай шароитда диний бағрикенглик ва миллий ўзликни англашга зид бўлган айрим муаммолар ҳам мавжудлигини эътиборга олиш зарур бўлади. Бу

² Диний бағрикенглик ва мутаасиблик. (юз саволга — юз жавоб). — Тошкент: Тошкент ислом университети, 2007. Б.— 10.

³ Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Асарлар. I-жилд. — Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2017. — 592 б.

⁴ Қуръони карим маъноларининг таржимаси ва тавсири//таржима ва тавсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. — Тошкент: Шарқ, 2007.-Б.-19.

биринчидан, миссионерлик йўналишида яққол намоён бўлмоқда. Миссионерлик диний бағрикенгликка таҳдид солувчи асосий сабаблардандир.

“Миссионерлик” асли латинча “missio” феълидан олинган бўлиб, “юбориш”, “вазифа топшириш”, миссионер эса “вазифа бажарувчи” деган маъноларни англатади⁵. Ислом энциклопедиясида миссионерлик (миссия сўзидан) — бирор динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилиш, - деб таърифланган. Миссионерлик, асосан, насронийликка хос. IV асрда пайдо бўлган. Прозелит - бу ўз динидан воз кечиб, бошқа динга ўтган одам. Миссионерлар ислом динини, муқаддас китобимиз “Қуръон”ни, муборак Ҳадисларимизни мақсадларига мос ҳолда талқин қилиш ва насронийликни улуғлаш орқали соддадил мусулмон биродарларимизни, айниқса ёшларимизни ўзларига оғдириб олишга ҳаракат қилмоқда. Миссионерларнинг ноқонуний фаолияти динлараро ва миллатлараро низолар, туб миллат вакиллари оилаларидаги келишмовчиликларнинг авж олиши, маҳаллалардаги мусулмон динига мансуб аҳолида бошқа дин вакиллариغا нисбатан салбий ҳиссиётларнинг шаклланиши каби салбий ҳолатларни келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “бугунги кунда ислом динига нисбатан дунёда қизиқиш ва интилиш кучайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг асосий сабаби ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб берадиган, барча одамларни эзгулик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик йўлида бирлашишга даъват этадиган теран маъноли фикр ва ғоялар бугун ҳам ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотган эмас”.

Иккинчидан, мавжуд муаммонинг яна бир йўналишини диний фундаментализм ва экстремизмда кўриш мумкин. Бу “динда ҳаддан ошиш” билан боғлиқ ҳолатдир. Бу анъанавийлик билан замонавийлик ўртасидаги нисбат орқали кечади, деб айтиш мумкин. У “динда камчиликка йўл қўювчи, унга жафо қилувчи, арабчасига айтганда “тафритчилар”ни таниб олиш, улардан эҳтиёт бўлиш ва уларни йўлга солиш нисбатан осон иш. Аммо уларнинг тескариси бўлган, “динда ҳаддан ошувчи”, “динни қаттиқ тутувчи” каби номлар билан айтиладиган шахсларни таниб олиш, улардан эҳтиёт бўлиш ва уларни йўлга солиш, ниҳоятда муҳим ишдир”.

Юқорида келтирилган фикрга асосланиб айтиш мумкинки, “динда ҳаддан ошиш”нинг ҳар қандай кўриниши жамиятда беқарорликка сабаб бўлиши мумкин. Бизнинг фикримизча, диний ақидапарастлик ва фундаментализм каби

⁵ Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари (юз саволга — юз жавоб). — Тошкент: Тошкент ислом университети, 2009.-Б.-53.

иллатлар бирон-бир мақсадга кўра шакллантирилмаган тақдирда диний илмларнинг ривожлантирилмаслиги, дин асосларига бўлган дилетант муносабатлари оқибатида ҳам шакллана бориб, жамият ҳаётидаги жиддий иллатга айланиши мумкин. Ушбу салбий иллатнинг олдини олиш, дин, диний мерос, жумладан, ислом динининг ақидапарастлик ва фундаментализм билан ҳеч қандай алоқаси йўқлигини, аксинча, ислом илм-маърифат дини сифатида илмсизлик ва жаҳолатга қарши курашда муҳим ғоявий-мафкуравий восита эканлигини фуқароларимизга, жумладан, ёшларга мунтазам тушунтириб бориш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Шу ўринда дунё аҳолисининг 83 фоиздан кўпроғи дин, виждон эркинлиги камситилаётган минтақалар ва давлатларда яшаётганлигини ва бу давлатларда диний экстримизм, фундаментализм ва терроризмнинг таҳдиди барқарорликка жиддий хавф солаётганлиги сабабли ушбу ҳудудларда яшовчи турли динларга эътиқод қилувчи аҳоли ўртасида БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” номли махсус резолюциясида илгари сурилган бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка қаратилган ғояларни кенг тарғиб қилиш ва ҳаётга жорий этиш бўйича амалий ишларни олиб бориш дунё ҳамжамияти олдидаги долзарб вазифалардан бири деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатимизда амал қилаётган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 2.4-бандида: “диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жинойтчиликнинг бошқа шакллариغا қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш” долзарб вазифа этиб белгиланган.

Тадқиқотимиз кўрсатдики, сўнгги йилларда дунёда диний экстремизм ва терроризм таҳдидлари тобора кучайиб бормоқда. Халқимизнинг миллий табиатига, эътиқодимиз, урф-одат, одоб-ахлоқ ва кадриятларимизга, турмуш тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ёшларимизнинг онгу тафаккурига салбий таъсир кўрсатмоқда. Экстремистик ташкилотлар ва терроризм динни ниқоб қилиб, ҳокимият учун курашда диндан ғаразли мақсадларда фойдаланиб, инсониятга, унинг бугунги ва келгуси истиқболига жиддий таҳдид солмоқда. Бу ҳақда Президентимиз БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида куюнчаклик билан дунё ҳамжамиятига мурожаат қилганларидек, “Дунёда терроризм таҳдидлари айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши асосан куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради... Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва мурасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу

тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир”⁶

Учинчидан, йўналишдаги муаммо, исломни “сохта исломий ғоялар билан” тенглаштиришга уриниш, ислом ва демократияни бир-бирига қарши қилиб қўйиш, турли динлар ўртасида ихтилофларни келтириб чиқаришга уринишлар билан боғлиқ.

Маърифат ва диний бағрикенглик жаҳолатнинг ҳар қандай кўринишининг илдизини қирқади, ҳар қандай таҳдид ва хатарларнинг олдини олади. Бу ҳақда Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулотда ва мухтор элчиси адолатли эътироф этганидек, “Ўзбекистон раҳбари халқаро ҳамжамият олдида турган таҳдидлар, хатарлар ва муаммоларни теран ҳис этади. Диний бағрикенглик муҳим эканлигига етарлича баҳо бермаслик эса дунёнинг турли нуқталарида қарама-қаршилиқларга, йўқотишларга олиб келади. Маданиятлараро мулоқот кўплаб муаммоларнинг олдини олиш, беғуноҳ инсонларни ҳимоя қилиш имконини беради”. Бу фикрларни Ўзбекистондаги Рим-католик черкови епископи Ежи Мацулевич ҳам қўллаб қувватлаб ёзади: “Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси замирида турли маданиятлар, халқлар ҳамда динлар вакиллари тинч-тотув ва ҳамжиҳат бўлиб яшаётган Ўзбекистон тажрибаси мужассам. Мазкур резолюция муайян мамлакатлардаги бағрикенгликни таъминлашга эмас, балки бутун сайёрамиз аҳолисини жаҳолатга қарши маърифат ғояси билан яшашга ундайди. Хужжат минтақалараро ва глобал даражадаги ҳамкорликни йўлга қўйишни талаб қилади. Биз жаҳоннинг турли бурчакларида маданиятдаги фарқлар туфайли динлараро низолар қандай пайдо бўлаётганини кўряпмиз. Европа ва АҚШ тўқнаш келаётган миграция муаммолари, Афғонистон ва Суриядаги вазиятни ҳал этиш унинг илдизлари каби чуқуррокдир”. Бу фикрларга дунёнинг турли мамлакатларида яшовчи хилма-хил дин ва конфессия вакиллари ҳам қўшилиб, Ўзбекистоннинг маърифат ва бағрикенглик ташаббусини қўллаб қувватламоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Асарлар. I-жилд. — Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2017. — 592 б.
2. Хўжамуродов И., Абдураимова М. Сиёсат, дин ва миллий ўзликни англаш. — Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2010. -172 б.

⁶ Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Асарлар. I-жилд. — Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2017. — 592 б.

3. Бағрикенглик тамойиллари декларацияси // Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар тўплами / Масъул мух. А.Х.Саидов.- Тошкент. “Адолат”, 2004.- Б.-214
4. Кушаев У. Р. Жаҳон динларида ижтимоий барқарорлик ғояларининг уйғунлиги. Фалсафа фанлари доктори (DSc)диссертацияси Автореферати. — Тошкент: 2017.
5. Хўжамуродов И. Бағрикенглик: давлат ва дин. — Тошкент: ТошДАУ, 2008. Б- 49.
6. Диний бағрикенглик ва мутаасиблик. (юз саволга — юз жавоб). — Тошкент: Тошкент ислом университети, 2007. Б.— 10.
7. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. - Тошкент: Мовароуннаҳр, 2017.- Б.-452-453.
8. Қуръони карим маъноларининг таржимаси ва тавсири//таржима ва тавсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. — Тошкент: Шарқ, 2007.-Б.-19.
9. Гараджа В.И. Социология религии. — Москва: Аспект-пресс, 1996.-С.-119.